

2-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ БАЁН ЁЗИШГА ЎРГАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Абдурахмонова Динара Юсуповна

ЖДПУ мустақил изланувчиси

dinara.abduraxmonova10@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақола бошланғич синф ўқувчиларининг ёзма нутқини ўстириш йўллари. 2-синф ўқувчиларининг ёзма нутқни ўстиришда баёндан фойдаланишинг технологияси ҳақида фикр юритилган.

“Таълим-тарбия-бу бизнинг келажагимиз, ҳаёт-мамот масаласи. Шу боис, бу соҳадаги ислоҳотларни кечикиришга ҳаққимиз йўқ. Қанчалик мураккаб бўлмасин, мактаб таълимида пойдеворни бугундан мустаҳкам қўйишимиш керак”¹, -Ш.Мирзиёев.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёш авлод таълим тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўғил-қизларимизнинг замонавий билим олиши, юксак маънавиятли бўлиб улғайиши учун зарур шароит яратиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Тўла саводхонликка эришишнинг мухим омилларидан бири, ўқувчилар нутқ маданияти устида ишлаш, уларни оғзаки ва ёзма нутқларидаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва тузатишдан иборатdir. Шунинг учун 1-4 синф ўқувчиларига дарс бериш жараёнида турли хил турдаги машғулот олиб бориш, ўқувчиларда фикрни кенг кўламда ва хилмачил равишда баён эта олиш қобилиятини ўстириш лозим.

Ўқувчиларнинг нутқ маданияти устида ишлаш уларнинг оғзаки ва ёзма нутқидаги камчиликларни ўз вақтида англаш ва тўла саводхонлик учун курашишнинг мухим омилларидан бири ҳисобланади. Миллий ўқув дастури талабига кўра, ўқувчиларда нутқ фаолиятининг тўрт тури: нутқни тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш қўнимка ва малакаларини босқичма-босқич эгаллаб боришлари талаб этилмоқда.

Бошланғич синфларда ёзма ишнинг баён туридан фойдаланиш, ўқувчиларнинг қайта ҳикоялаш ва мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиришда катта ёрдам беради.

Баён-бу ўқиб берилган намунавий матн мазмунини маълум тайёргарликдан сўнг ёзма равишда қайта ҳикоялаш демакдир.

Миллий дастурда иккинчи синф ўқувчилари она тила ва ўқиш саводхонлиги дарсларида ўқитувчилар раҳбарлигида ҳажми унча катта бўлмаган 40-50 сўздан иборат матнлардан саволлар ёрдамида баён ёзишга ўргатиш тавсия этилади.

¹Ш.Мирзиёев раислигида мактаб таълимини ривожлантириш масалалари юзасидан селектор йиғилиши 2022 й. 28 январь

Бошлангич синф ўқитувчисининг олдида иккинчи синф ўқувчиларини берилган тайёр режа асосида баён ёзишга ўргатиш, тайёрлаш вазифаси туради. Ўқувчилар ёзув тахтасига ёзилган саволларни тўғри ўқиши ва уларни мъносини тушуниши, режадаги саволга аниқ жавоб бериши, қайта ҳикоялашда ва ёзма баёнда ўзининг жавобларини режадаги саволлар тартибида бериши лозим.

Ўқувчиларнинг ёзма нутқ малакаларини мустаҳкамлаш учун ўқувчиларни баёнда ўзлари ёза оладиган сўзлардан фойдаланишга ўргатиш лозим.

Иккинчи синф ўқувчиларининг режа билан ишлашидаги асосий талаб уларнинг саволларни тўғри ўқиши ва уларни матн қисмлари билан боғлай олишдир.

Иккинчи синфда биринчи ярим йилнинг бошидан қисмларга бўлинган матнлар билан оғзаки машқлар ўтказиш тавсия этилади. Мана шундай иш турига мисол қилиб, куйидаги Она тили ва ўқиши саводхонлиги дарслигига берилган “Чумолининг жасорати” деб номланган матн берилган. Ушбу матн юзасидан баён ёзишни ташкил этишда қуйидаги тавсиялар аҳамиятга эга:

1. Қисқагина сухбат. Ўқитувчи чумоли расмини кўрсатади. Бу расмлар ҳақида тушунчалар беради.



2. Матн ўқитувчи томонодан ифодали ўқиб берилади, яна бир ўқувчи томонидан хам ўқиб берилгандан сўнг, қўйидаги саволлар ёрдамида матн мазмунини аниқлаб олиш мумкин:

1. Матнда қайси жониворлар ва ҳашаротларнинг номи келтирилган?

(Кўй-кўзилар, какликлар, типратиканлар, тошбақалар ва чумолилар)

2. Ёзниг ҳароратини билдирувчи қайси сўзлар иштирок этган?

(жазирама, қовжираб, қуёш тифи)

3. Ҳаракатни билдирган сўзларни топинг.

(Ўт кетибди, қоча бошлади, пуркай бошлабди, ўчирилибди)

4. Жонивор ва ҳашаротлар ёнғинни ўчириш учун нимада сув келтирди?

(асалари челякчасида, чумоли оғизчасида, каклик тумшуғида, қўй-кўзилар оғзида).

3. Ҳикоя тузиш учун тайёргарлик. Ўқувчиларга жамоа бўлиб қуйидаги саволларга жавоб топишади, шу билан биргаликда матн мазмунини ва воқеалар кетма-кетлигини англашга ёрдам беради.

1. Ўтлоқда қайси ҳашарот ва жониворлар ахил-иноқ яшар экан?
2. Нима сабабдан ёнғин келиб чиқибди?
3. Ёнғинни ўчиришга ким биринчи шошилди?
4. Бошқа жонзотлар чумолига нима дейишиди?
5. Чумоли нима деб жавоб берди?
6. Чумолининг гапи ўтлоқ ахлига қандай таъсир қилди?
7. Чумоли түғри иш қилдими?



Ўқувчилар юқоридаги саволларга жавоб бериш орқали баён матнини яратадилар. Ўқувчилар яратган матн фақат саволларга жавоб тариқасида бўлиб қолмаслигига эътибор қаратиш керак. Матнда фикрлар кетма-кетлиги изчил давом этиши лозим. Бошланғич синф ўқувчилари учун ёзма нутқ оғзаки нутққа нисбатан бирор қийинчилик туғдиради. Чунки улар ёзув малакаларини мукаммал эгаллаб олишмаган бўлишади. Шунинг учун ўқувчилар саволларга жавоб бергандан кейин, ўзлари қайта ҳикоя қилиб, ёзма баён қилишларига ишонч ҳосил қилгандан кейин ёзишга рухсат берилади.

Баён дарсигача ва шу дарсда ўтказилган имловий тайёргарлик ўқувчиларда баён ёзишга замин ҳозирлайди. Ўқувчилар бутун фикрларини ишнинг мазмунигаан қаратадилар, хар бир сўз ва гапни хотиржам ўйлаб ёзадилар.

Шундай бўлса-да, иккинчи синф ўқувчиларининг ишларида хатолар учрайди. Хатоларни бартараф этиш учун ўқитувчи ўқувчиларнинг билимига мос алоҳида торшириқлар беради ва улар йўл қўйган хатоларни тузатади. Типик хатоларга кўйидагилар киради:

1. Ўқувчилар гапнинг бош ва охирини аниқлашда қийналадилар.
2. Гапда бир сўзни такрор ишлатади.
3. Баъзи ҳарф ва бўғинларни тушуриб қолдирадилар.

Хатоларни тузатиш таҳлил ва таркибий иш олиб боришни талаб қиласди. Ёзилган баёнлар ўқитувчи томонидан текширилади ва дарсда таҳлил қилинади. Ўқитувчи аввало ўқувчилар томонидан бажарилган ишга умумий баҳо беради. Ҳикоя мазмуни ва торшириқнинг мазмунини эслатади. Сўнгра икки-учта яхши ёзилган ишни ўқиб беради. Ўқитувчи томонидан бажарилган ишга қўйилган баҳо изоҳланади. Шундан сўнг ўқитувчи бошқа ишлардаги умумий камчиликларни кўрсатади. Агарда гап режадан

чиқиб кетса, гапни нотүғри тузиш ва бошқаларни шархлайды. Хатосиз ёки хатоси жуда кам бўлган ишлардан биттаси муҳокама қилинади. Ўқитувчи ўқувчилар ишига қўйилган баҳога лойиқ-нолойиқлигини тушунтиради. Ўқувчилар эса йўл қўйилган хатоларини қандай тузатиш йўлини аниқлайдалар: гапни қандай тузиш, тушириб қолдирилган сўз ёки гапни ўрнига қўйиш, қайси сўзларни бошқасига алмаштириш ва бошқалар ҳақида фикр юритадилар. Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчиларни рағбатлантиради ва муҳокамани тугатади.²

Демак, оғзаки ва ёзма нутқ маданияти мактабда ғоят муҳим масалалардан ҳисобланади. Шунга кўра, ўқитувчи она тили ва ўқиши саводхонлиги дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга, уларни баён ва иншо ёзишга ўргатишга алоҳида эътибор қилиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. М.Умарова, М.Набиева Баёнлар тўплами: (бошланғич синф ўқитувчилари ва ўқувчилари учун)-Т.:”Нисо полиграф”, 2013.-160 бет.
2. А.Ғуломов, Б.Қобилова Нутқ ўстириш машғулотлари-Т.; Ўқитувчи, 1995.-160 б.
3. С.Матчон, Ҳ.Бакиева, Ҳ.Ғуломова, Г.Холбоева Бошланғич синфларда она тили ўқитиши методикаси-Т.: “Ишонч ҳамкор нашриёти”, 2021.
4. И.Азимова, К.Мавлонова, С.Куронав, Ш.Турсун “Она тила ва ўқиши саводхонлиги” 2 синф Т.; 2021.

² М.Умарова, М.Набиева Баёнлар тўплами: (бошланғич синф ўқитувчилари ва ўқувчилари учун)-Т.:”Нисо полиграф”, 2013.-160 бет